

## ҚЎШБЕГИ АРХИВИ ТАРИХИДАН

Жумаев М.Х.

ЎзДЖТСУ “Ижтимоий ва гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15556111>

Бухоро амирлигининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини акс эттирадиган ЎзР МДАнинг “Бухоро амирлиги Қўшбеги маҳкамаси” (Управление кушбеги эмира Бухарского)<sup>1</sup> деб номланган И-126 фонди ҳам ўзига хос тарихга эга.

Ёзма маълумотларга кўра, тарихчилар орасида Қўшбеги<sup>2</sup> архиви деб ном олган ҳужжатлар тўплами ўтган асрнинг 30-йилларида Бухоро Аркидан топишган бўлиб, унинг Марказий Давлат Тарих архивига топширилиши, яъни марказ Тошкентга олиб келиниши ўша даврдаги мураккаб иқтисодий-сиёсий вазиятда амалга оширилган.

Амирлик девонхонаси архив ҳужжатларини ҳуқмдорлар ўз қароргоҳларида сақлаган. Масалан, амир Музаффар (1860-1885 йй.) уларни Ширбудунда сақланган бўлса, унинг ўғли Абдулахад (1885-1910 йй.) архив ҳужжатларини ўзи билан Карманадаги қароргоҳига олиб кетган эди. Амир Олимхон (1910-1920 йй.) даврида эса ҳужжатлар Бухоро шаҳрига олиб келинган. Амир девонхонасига парвоначи жавобгар бўлган.

Таниқли сарқандлик ўлкашунос ва шарқшунос олим В.Л.Вяткиннинг XIX аср охирида В.В.Бартольдга ёзган хатида амирликда давлат ҳужжатларининг сақлови ҳақида қуйидагилар баён этилган: “Мен тўплаган маълумотларимга ишониб шуни айтаманки, амирнинг ўз кутубхонаси бор экан. Мен шубҳа уйғотмаслик учун маҳаллий кийимда сарқандлик бир сарт билан Аркга бориб, эҳтиёткорлик билан сўраган саволларимга сарой амалдорлари Аркда ҳақиқатдан ҳам кутубхона борлигини, лекин амирнинг бошқа ички хоналари каби, уни фақат амирнинг шахсий рухсати билан кўрсатиш мумкинлигини айтдилар. Кейинчалик амир саройини таъмирлаган бир татарнинг менга берган маълумотида кўра, у китоблар, ўрамлар ва қоғозлар билан тўлдирилган учта катта хонани кўрган. Аркдан келган китоб ва қўлёзмаларни муқовачилардан бири муқовалаб турган.

Кейинчалик эшитишимча, амир бир вақтнинг ўзида давлат архиви саналган ўз кутубхонасини русларга кўрсатишни хоҳламаган. Чунки кутубхонада русларга ёқмайдиган бирор нарса, ёки умуман бошқаларга кўрсатилмасдан сир сақланиши лозим бўлган маълумотлар борлигидан амир хавфсизлаган. Умуман амир уларни кўрсатишдан кўра, яширишни маъқул кўрган”<sup>3</sup>.

Бухоро амирлиги Қўшбеги архиви ўз даврининг илғор кишиси бўлган қўшбеги Мирзо Насрулло даври (1910-1918 йй.)дан бошлаб тизимлаштириб, тартибга солиниб икки қисмга: ички ва ташқи (хорижий) ишларга доир ҳужжатларга ажратилган.

<sup>1</sup> Дастлаб 1942 йилда фонд “Бухоро амири Абдулахадхоннинг қўшбегиси”, сўнг “Бухоро амири қўшбегиси” ва 1956 йилдан бошлаб эса “Бухоро амирлиги Қўшбегиси маҳкамаси” деб номланган.

<sup>2</sup> Тадқиқотчи М.А. Абдураимов олиб борган изланишларга асосланиб биз музкур лавозимни қўшбеги деб номланишини қабул қилдик. / Қаранг. Абдураимов М.А. Қўшбеги, а не кушбеги. К истории установления власти кушбеги в Бухарском ханстве. // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1974. – №11. – С.55-54.

<sup>3</sup> Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Наука, 1965. – С.178.

Хужжатлар Арkning ертўласида махсус “яхданах” (сандик)ларга солиниб, тоқчаларда сақланган<sup>4</sup>. Бирок, ундан кейинги кўшбеги Усмонбек (тахминан 1919-1920 йй.) хужжатларни сақлашга совуқконлик билан ёндашгани тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Бухоро амирлиги совет ҳокимияти томонидан босиб олиниши вақтида милиция ва ЧК органлари томонидан Арк ертўласидан бир неча хужжатлар сақланган сандикларни топганлар. Хужжатларнинг бир қисми тоқчалар ва ерда ётган бўлган. Маълумотларга кўра мазкур хужжатлар уруш пайтида амир амалдорлари томонидан ташлаб кетилган давлат хужжатлари бўлган. Назорат органлари ушбу хужжатларни тартибсиз ҳамда ҳеч қандай рўйхатсиз қутиларга жойлаб, Халқ Нозирлар Кенгашига юборган. Ушбу хужжатлар Ташқи ишлар нозирлиги биносининг ертўласида ЎзССР тузилгунга қадар сақланган. 1924 йилги миллий-ҳудудий чегараланиш пайтида юқорида қайд этилган Мусо Саиджонов раислигида хужжатларнинг маълум қисмига далолатнома тузилиб, Бухоро Давлат кутубхонасига топширилган. Далолатномага 69 та боғлам, 52 та дафтар, 50 та китоб шаклида шарқ хужжатлари киритилган<sup>5</sup>.

Архивнинг иккинчи қисми Бухорода совет ҳукумати ўрнатилгандан сўнг 1920 йил сентябр ойининг бошларида БХСРга юборилган Марказий архив иши бошқармаси (МАИБ) бош бошқарувчиси Д.И. Нечкин бошчилигида шарқшунослар: академик В.В. Бартольд ва А.Е. Шмидт, Наркомпрос кутубхона бўлими бошлиғи А.А. Гарицкий, Шарқшунослик институтининг директори М.С. Андреев, археолог ва МАИБнинг илмий ходими В.Л. Вяткинлардан иборат махсус комиссия<sup>6</sup> томонидан шакллантирилади.

Комиссияга зудлик билан ҳудуддаги архив хужжатлари, қўлёзма китоблар, қадимги санъат намуналарини асраш бўйича чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Комиссия томонидан тарихий манбаларни талон-тороғ қилиш ёки йўқ бўлиш ҳавфи аниқланган ҳолларда, Бухоро инқилобий кўмитаси билан ҳамкорликда бундай ҳолатнинг олдини олиш, улар ичидаги алоҳида қимматли хужжатларни Тошкентга олиб келиб, Халқ маъориф комиссарлиги тассаруфига топширишни ташкил этиш керак эди. 1920 йилнинг 30 сентябридаёқ олиб борилган изланишлар асосида тарихий-маданий меросни сақлаш масаласини муҳокама қилиш учун комиссия мажлиси ўтказилади. Унда Бухородаги барча вақф хужжатлари ва қўлёзмаларни маълум бир ишончли хонада йиғиш тўғрисида келишиб олинади. Бухоро ҳукуматидан тўпланган хужжатларни ҳеч бир бошқа муассасаларга бермаслик сўралган эди. Мазкур таклиф БХСР ҳукумати томонидан қабул қилиниш билан бирга, архив хужжатларини республикадан олиб чиқиб кетиш ўрнига улардан нусха олиш ҳақида келишиб олинди. Кейинчалик ушбу қарор Турккомиссия томонидан ҳам маъқуланганди. Бундан ташқари, Д.И. Нечкин БХСР Нозирлар Кенгаши раиси Файзулло Хўжаев билан Бухоро ҳукуматининг маблағи эвазига ҳудудда алоҳида архив муассасасини ташкил этишга ҳам келишиб олади.

<sup>4</sup> Астанова Г.Ю. Архив Кушбеги – важный источник по истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XIX – начала XX века. // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1985. – №7. – С.56.

<sup>5</sup> ЎзР МДА Р-400-фонд, 1-рўйхат, 414-йж, 74-варақ.

<sup>6</sup> ЎзР МДА Р-399-фонд, 2-рўйхат, 82-иш, 8-варақ

Комиссия аъзолари олиб борган изланишлар натижасида жами 380 та шарқ қўлёзма ҳужжатлари ва 400 та вақф ҳужжатлари аниқланиб, бир жойда мужассамлаштирилади<sup>7</sup>.

Архив бошқармаси мутахассислари бу ҳолатда ҳужжатларни Тошкентга олиб кетиш қийинчиликлари ва манбалар билан ишловчи мутахассислар йўқлигини инобатга олиб, 1932 йилнинг 9 октябрида архивни тартибга солиш учун Бухоро Давлат музейи ва МАИБ ўртасида махсус битим имзоланади. Шартнома шартларига кўра музей бир йил ичида ҳужжатларни тартибга келтириш, турлари, санаси бўйича саралаш, жилдларни шакллантириш ва рўйхатини тузиши ва 1933 йил 1 ноябрида Тошкентга МАИБга юбориши шартлиги белгилаб қўйилган эди<sup>8</sup>. Шартномага асосан Қўшбеги архиви ҳужжатларига илмий ишлов бериш учун 4000 рубл маблағ ажратилган эди<sup>9</sup>.

Мазкур маблағ музей раҳбарияти томонидан қоғозларни чанг, лой ва доғлардан тозалаш, йиртилганларини таъмирлаш, шу билан биргаликда, ҳужжатларни гуруҳларга ажратиш ишларига сарфланган. Ҳужжатларни даставвал 1931 йил декабрида Бухоро Давлат музейи директори вазифасини бажарувчи А.С. Дмитриев ва Бухкомстарис вакили В.А. Шишкинлар қуйидаги тарзда гуруҳлаган: 1. Амирга беклар ва йирик амалдорлардан юборилган хабарлар, маълумотлар: а) вилоят ва туманлардан юборилган хабарлар; б) қўшбеги маълумотлари; с) муншийнинг (давлат котиби) маълумотлари; 2. Амирнинг ўз қўли билан ёзган ёзувлари: а) махсус, б) шахсий; 3. Амирнинг ҳар хил шахсий ҳужжатлари; 4. Сиёсий ишлар бўйича ҳар хил хабарлар; 5. Амир номига келган махфий маълумотлар (ҳар хил ишлар бўйича); 6. Россия сиёсий агентлиги билан ёзишмалар; 7. Беклардан қўшбеги номига юборилган хабарлар; 8. Қўшбегининг рус маъмурлари билан ёзишмалари; 9. Молиявий ҳужжатлар: а) қиммат ва қиммат маълумотлари, б) пул ҳужжатларининг ҳар хил турлари; 10. Ҳарбийлар, руҳонийлар ва амалдорларнинг рўйхати; 11. Мулкка эгалик ҳужжатлари (васикалар); 12. Ер-сув ишлари бўйича ҳужжатлар; 13. Темир йўл ҳужжатлари ва почта-телеграф ведомостлари; 14. Ҳар хил қоғозлар: газета ва журналлар, гувоҳномалар, паспортлар, маълумотномалар<sup>10</sup>.

1942 йил 10 октябрда Ўзбекистон ССР Марказий Давлат Тарих архиви директори А.С. Валькова билан собиқ иттифоқ Фанлар Академияси катта илмий ходими А.М. Беленицкий ўртасида 3 ой ичида 80 мингта ҳужжатдан иборат бўлган Бухоро амири Абдулаҳаднинг қўшбегиси фондини дастлабки тавсифлаш ишларини олиб бориш ҳамда мавзулар бўйича ажратиш учун 900 рубль ҳажмида шартнома имзоланади. Бироқ, юқорида қайд этилган ишларнинг ҳажми катта бўлганлиги сабабли, 1943 йилнинг 17 феввалида томонлар ўртасида фондга тегишли ҳужжатларни саралаш ишларини давом эттириш ҳамда йиғмажилдларни шакллантириш ва инвентар рўйхатини тузиш тўғрисида қўшимча шартнома имзоланади. Ушбу йилнинг 25 мартида А. Беленицкий бир йил давомида олиб борган ишлари учун архивдан 700 рубл маош олади<sup>11</sup>.

<sup>7</sup> Астанова Г.Ю. Архив Кушбеги – важный источник по истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XIX – начала XX века. // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1985. – №7. – С.56.

<sup>8</sup> ЎзР МДА, Р-400-фонд, 1-рўйхат, 442-йж, 21-варақ.

<sup>9</sup> ЎзР МДА, Р-400-фонд, 1-рўйхат, 442-йж, 4-варақ.

<sup>10</sup> ЎзР МДА, Р-400-фонд, 1-рўйхат, 442-йж, 4-5варақ.

<sup>11</sup> ЎзР МДА, Р-2309-фонд, 1-рўйхат, 104-йж, 1-3-варақлар.

Лекин архив ходимларининг фикрига кўра А. Беленицкий томонидан хужжатларнинг 1/10 қисмигина сараланган эди<sup>12</sup>.

1950 йил бошидан бошлаб Бухоро амири Қўшбегиси архив фондини тартибга келтиришда маълум ўзгартиришлар киритилган, яъни ҳар бир хужжатга тавсиф (аннотация) ёзиш узоқ муддат олганлиги сабабли мавзулар бўйича саралаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Унга кўра йил давомида режалаштирилган 2745 та аннотация ўрнига 290 та аннотация тузилиб, 4715 та хужжатни саралаш ишлари амалга оширилади<sup>13</sup>.

Унда манбанинг тузилган жойи, йили, муаллифи, муҳрлари, тури кўрсатилган мукамал илмий тавсифи (аннотацияси)ни тайёрлаб, китоб шаклига келтирилганлар. Тавсиф бўйича хужжатлар икки қисмга ажратилиб, биринчи рўйхат (опис)га қўшбеги маҳкамасига тегишли бўлган хужжатлар, иккинчи рўйхатга эса Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги билан ёзишмалари киритилган эди<sup>14</sup>.

1956 йилнинг 13 июнида архивнинг ишлаб чиқариш йиғилишида қўшбеги архив хужжатларига илмий ишлов беришни жадаллаштириш, ҳар бир хужжатнинг қисқа тавсифи (аннотацияси)ни тузиш учун махсус шаклдаги карточкаларни ишлаб чиқиш ва тузилаётган тавсифларни, шунингдек, хужжатдаги жой, исм ва атамаларни ёзишда бир хил ёндашиш масаласи муҳокамаси бўлиб ўтади<sup>15</sup>.

Хусусан, “Бухоро амирлиги Қўшбеги маҳкамаси” фондини тартибга келтириш ва илк архив рўйхатини тузиш ишларини бошқарган тадқиқотчи К.З. Ҳакимова (Мухсинова)<sup>16</sup> 1991 йилда нашр этган монографиясида фойдаланилган хужжатларни янги тузилган рўйхат бўйича топиш имконияти бўлмаганлиги сабабли манбалар ҳаволаси эски рўйхат бўйича берилганлигини таъкидлаб ўтади.

Фондаги айрим йиғмажилдлар ичида М. Нурходжаев, А. Пўлатов ва бошқа олимлар томонидан ўз даврида тузилган карточкалар ҳам сақланиб келмоқда. Уларда хужжатдаги муҳрнинг талкини, хужжатнинг хижрий ва милодий санаси (агар кўрсатилган бўлса), хужжат тури (ариза, васика ва ҳ.қ.), қисқача мазмуни, шунингдек, адресат ва адресант, яъни кимдан кимга юборилганлиги, фонд рақами, карточка тузилган сана ва таржимоннинг фамилияси кўрсатиб ўтилган<sup>17</sup>.

Шундай қилиб, 1988 йилнинг апрелида фонд тўлалигича ЎзР МДАнинг алоҳида қимматли хужжатлари таркибига киритилган. Ҳозирги кунда фондда жами 9,5 мингга яқин шарқ тилидаги архив хужжатлари сақланиб, улар Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихини ёритишда муҳим манба саналади.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихшунос-лигига оид манбалар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, бу даврда амирликнинг сиёсий ва иқтисодий алоқалари асосан, Россия империяси билан олиб борилган.

<sup>12</sup> ЎзР МДА, Р-2309-фонд, 1-рўйхат, 159-йж, 3-варақ.

<sup>13</sup> ЎзР МДА, Р-2309-фонд, 1-рўйхат, 189-йж, 29-30 варақлар.

<sup>14</sup> Остонова Г.Ю. Қўшбеги архиви Бухоро тарихини ўрганишда асосий манба (XIX – XX аср бошлари). // Шарқшунослик – Тошкент, 2002. – №11. – Б. 23.

<sup>15</sup> ЎзР МДА, Р-2309-фонд, 1-рўйхат, 259-йж, 6-11 варақлар.

<sup>16</sup> Ҳакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX вв. (социально-экономическое положение и движение народных масс). – Ташкент: Фан, 1991. – С. 4.

<sup>17</sup> ЎзР МДА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 17-йж.

Маҳаллий муаллифларнинг келтирган маълумотлари амирликнинг давр руҳиятини кўрсатиб берган бўлса, рус адабиётларида келтирилган маълумотлар манғит амирлари тарихини статистик маълумотлар билан тўлдириб бойитади.

Мустақиллик йилларида ўтмишга ҳолисона ёндашув ва ҳаққоний баҳо бериш имконияти юзага келгач, ватан тарихшунослигида мазкур муаммога қизиқиш ортмоқда. Тарихни бирламчи манбалар асосида ёритиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир.

#### REFERENCES

1. Djalilova S., Tursunboyeva L., Kazakhov R. ENGAGING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 386-395.
2. Tursunboyeva L., Djalilova S., Kazoqov R. ABOUT TEACHING SPEAKING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 376-385.
3. Kazoqov R. et al. MARKETING TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI SPORT TASHKILOTLARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YOLLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 572-578.
4. Aripov Y. Y. et al. PROFESSIONAL SPORTNI BOSHQARISH MODELLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 597-587.
5. Jumayev U. X. et al. SPORT SOHASIDA MARKETING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRSH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 588-597.
6. Умаров Д. Х. и др. USE OF NATIONAL-SPIRITUAL VALUES IN EDUCATIONAL ACTIVITIES OF PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 455-462.
7. Керимов Ф. А. и др. ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 463-470.
8. Kazoqov R. T. et al. USE OF NATIONAL-SPIRITUAL VALUES IN EDUCATIONAL ACTIVITIES IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 911-918.



9. Жумаев У. Х., Казоков Р. Т., Жумаев М. Х. ЗНАЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ФИС //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 789-796.
10. Казоков Р. Т. и др. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ МУАММОЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 797-803.
11. Pulatova M. D., Kazoqov R. T., Sultanova N. K. SPORTCHILARNING JISMONIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 585-591.
12. Азимова У., Казоков Р., Холматов Б. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 592-598.
13. Пулатова М. Н., Казоков Р. Т., Султанова Н. К. МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРИХИЙ ТАФАККУР //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-138.
14. Чанкаев Ў. А., Казоков Р. Т., Султанова Н. К. ЁШЛАРДА ТАФАККУР ТАНҚИДЧАНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТОБЕЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 280-288.
15. Расулов А. Ғ., Казоков Р. Т. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИШТИРОКИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎРНИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 544-551.
16. Cho'lliyev S. I., Yuldasheva K. A., Kazakov R. T. THE IMPORTANCE OF MODELING SPORTS FOR SCHOOL-AGE CHILDREN IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 598-901.
17. Казоков Р. Т., Холбоева Д. Р. КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 90-97.
18. Каримов Б. З., Казоков Р. Т. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ҲАРАКАТ

- МАЛАКАЛАРИ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 32-39.
19. Казоқов Р., Джўрабаев А., Бўриев Б. Ёш футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ўйин услубини такомиллаштириш //Sport ilm-fanining dolzarb muammolari. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 54-56.
20. Каримов Х. А., Казоқов Р. Т. ЯНГИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 439-447.
21. Kazaqov R. T. et al. ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILY COOPERATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 902-910.
22. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
23. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEKANIK KO'RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.
24. Buraimov I., Kazoqov R. ХОККЕЙЧИЛАР FAOLIYATINING FIZIOLOGIK XUSUSIYATLARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 49-56.
25. АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 439-447.
26. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
27. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEKANIK KO 'RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.
28. Казоқов Р. Т. и др. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАСОФА СЕЗГИРЛИГИ МУАММОЛАРИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 797-803.

29. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS'PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 732-741.
30. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
31. Jumayev U. X. et al. "PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
32. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.
33. Kazakov R. T. et al. MULTIMEDIA SYSTEMS AND DISTANCE LEARNING TECHNIQUES IN SPORTS SOX //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 99-105.
34. Казоков Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
35. Казоков Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
36. Казоков Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
37. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
38. Казоков Р. Т., Мирзабдиллаева А. И., Мирзабдиллаева Х. И. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЎНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 29-34.
39. Казоков Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ



- //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
40. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta'limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-206.
41. Давурбаева М. Ж., Казоков Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
42. Давурбаева М. Ж., Казоков Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
43. Казоков Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛФОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
44. Казоков Р. Т., Жўракўзиев О. О., Эшпўлатов С. С. СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 238-248.
45. Казоков Р.Т., Бўриев Б.Ў., Абдиев Б.Ш., Джўрабаев А.М., Туропов А.Р. КУРАШ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЎНАЛИШЛАРИ // МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ. - 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 161-163.
46. Ziyamuxamedova S. A., Kazaqov R. T., Shukurova S. S. SOME BIOCHEMICAL BLOOD RESEARCHES OF ROWERS DURING PREPARATION PERIOD AND CONTESTS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 982-989.
47. Исмаилова М. Ш., Казоков Р. Т., Абдуллаев И. И. МОРФО-ФУНКЦИОНАЛ ВА АНТРОПОГЕНЕТИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРГА КЎРА ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ИШЧАНЛИК НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 131-138.
48. Джураева Х. Х., Файзиева Д. М., Казоков Р. Т. ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА СПОРТИВНОЙ ЛЕКСИКИ С ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА НА РУССКИЙ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 215-222.
49. Allamurodov S. I. et al. О 'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI LABARATORIYASIDA YENGIL ATLETIKACHILARNING ANTROPOMETRIK VA FUNKSIONAL KO'RSATKICHLARI BO'YICHA QAYD ETILGAN

- NATIJALARINING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTIKALARI //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 39-48.
50. Ярашев К. Д., Рашидов А. У. Теоретическое обоснование проблемы подготовки будущих специалистов к управленческой деятельности в сфере физической культуры и спорта //Fan-Sportga. – 2020. – №. 6. – С. 61-62.
51. Laughlin R. M. Mol cholobil k'op ta sozt'leb. – Centro de Investigaciones y Estudios Superiores en Antropología, 2007.
52. Yarashev K. D. et al. O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI LABARATORIYASIDA YENGIL ATLETIKACHILARNING ANTROPOMETRIK VA FUNKSIONAL KO'RSATKICHLARI BO'YICHA QAYD ETILGAN NATIJALARINING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTIKALARI. – 2024.
53. Ярашев К. Д. и др. ФУТБОЛДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАР, ТЕХНИК-ТАКТИК ХАРАКАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 330-343.
54. Умаров Қ. А., Казоқов Р. Т., Аббосова М. Қ. ЁШ БОКС БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР УЧУН УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 94-101.
55. Abdiyev B. S. et al. TABIIY FANLARNI O 'QITISHNI YAXSHILASH ZAMON TALABIDIR //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 102-110.
56. Расулоа А. С. и др. БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРЛОВ БОСҚИЧИДА ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ КУЧ ҚОБИЛИЯТИ, ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА УНИ ТАРБИЯЛАШ УСЛУБИЯТИ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 308-319.
57. Курбанова Д. С., Казоқов Р. Т. БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ САРАЛОВИ. – 2024.
58. Ярашев К. Д. и др. ИНТЕРНЕТДА МАЪЛУМ КИДИРУВ СЕРВЕРЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 932-942.
59. Akbarov A. et al. TANLANMANING ASOSIY STATISTIK XARAKTERISTKALARINI XISOBLASH DASTURINI SHARTLI

- SXEMASI //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 12-23.
60. Юсупова З. Э. и др. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 24-35.
61. Eshtaev A. K. et al. YUQORI MALAKALI GIMNASTIKACHILARNI HALQADA BAJARILADIGAN (KREST, GORIZONTAL TURISH, QALDIRG ‘OCH) ELEMENTLARINI O ‘RGATISHNING I-BOSQICHI //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 847-856.
62. Rasulov A. S., Kazoqov R. T., Quvondiqov J. I. 14-16 YOSHLI BELBOG‘KURASHCHILARNI MUSOBAQA OLDI SIKLIDA MAXSUS TAYYORGARLIGINI OPTIMALLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 1650-1660.
63. Ayxodjayeva M. S., Kazoqov R. T., Djurabayev A. M. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHILARNING TEXNIKASINI RIVOJLANTIRISH //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 1442-1450.
64. Yarashev K. D. et al. SPORTCHI TALABALARNING TABIIY-ILMIY FANLAR SAVODXONLIGINI BOYITISH //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 1433-1441.
65. Kazoqov R. T. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI SPORTCHI TALABALARNI HARAKATLANISH TEXNIKASINI BIOMEXANIK KO ‘RSATKICHLARDAGI KAMCHILIKLARNI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA BARTARAF ETISH HISOBIGA YUGURISH TEXNIKASI TAKOMILLASHTIRISH //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 11. – С. 271-279.
66. Allamurodov S. I. et al. QISQA MASOFAGA YUGURUVCHILARNING TEXNIK MAHORATINI OSHIRISHDA MASHQ USULLARINING ILMIY-ASOSIY YONDASHUVLARI //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 5. – С. 1232-1239.